

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусаҳҳихлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-үй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-үй.

Фарғона,
2021.

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Үринов, Ш.Хайдарова	
Олтинчи тартибли гиперболик типдаги дифференциал тенглама учун бошланғич масала	6
А.Ахлимирзаев, М.Ибрагимов, И.Акрамова	
Хосмас интеграллар ва уларни ўрганиш бүйича баъзи бир муроҳазалар	14
Б.Кадиркулов, М.Жалилов	
Капутооператори қатнашган түртингчилдиң тартибли аралаш типдаги тенглама учун бир нолокал масала ҳақида	19

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

У.Тойиров, Д.Роҳмонов, Р.Мурадов	
Хомашё валигининг жин машинаси самарадорлигига таъсирини ўрганиш	25
М.Собиров, Х.Сатторова, Р.Тошқўзиев	
Қутбланган ёруғликни стокс параметрлари орқали тасвирлаш	31

КИМЁ

И.Аскаров, М.Акбарова	
Айрим синтетик кир ювиш воситаларининг кимёвий таркиби ва уларни синфлаш	36
Ш.Абдуллоев	
Темир (III) асосидаги гетеробиметаллик оксо-карбоксилатларнинг электрон парамагнитик резонас спектрлари	40
И.Аскаров, Ш.Қирғизов, Ю.Бадалова	
Шоколаднинг кимёвий таркиби ва физик-кимёвий кўрсаткичлари бүйича таҳлили	46
Р.Исматова, М.Амонова, М.Амонов	
Пахта толаси асосидаги калава ипларни янги таркиб билан оҳорлашни физик-кимёвий асослаш	51
Д.Каримова, В.Хужаев, Г.Рахматуллаева	
Косметик кремлар сифатини органолептик ва физик-кимёвий услублар ёрдамида аниқлаш	57
Ў.Ҳолмирзаев	
9-синф ўқувчиларининг кимё фанидан экспериментал қўнималарини шакллантиришни такомиллаштириш	62

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ТАРИХ

Т.Эгамбердиева, Н.Самедова	
Ўзбек ва турк халқларининг миллий урф-одат ва анаъаналаридағи үйғунликлар таҳлили....	67
Р.Арслонзода, Д.Муйдинов	
Ўзбекистон Республикасининг архив иши соҳасидаги халқаро алоқалари	71
А.Ерметов	
Ўзбекистон ички ишлар органлари ходимларининг миллий таркиби хусусида (1925-1985 йиллар)	78
И.Гуломов	
Туркистон ўлкасида аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига оид айрим муроҳазалар (1897-1920 йиллар мисолида)	85
Р.Расулова	
Ўзбек ва татар маърифатпарварларининг ҳамкорлик муносабатлари	90
Ш.Саидахматов	
Урбанизация ижтимоий жараён сифатида: тарихшунослик таҳлили	95

УДК: 94(575)+301(575)(512.141)/512.145

ЎЗБЕК ВА ТАТАР МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

СОТРУДНИЧЕСТВО УЗБЕКСКИХ И ТАТАРСКИХ ПРОСВЕТИТЕЛЕЙ

COOPERATION BETWEEN UZBEK AND TATAR ENLIGHTENERS

Расулова Рислиғой Абдулло қизи¹

¹Расулова Рислиғой Абдулло қизи

— Ўзбекистон Миллий университети, тарих факультети, Ўзбекистон тарихи кафедраси докторанти.

Аннотация

Мақолада XIX аср иккинчи ярми – XX аср биринчи чорагида Туркистонда ўзбек ва татар маърифатпарварларининг турли жабҳалардаги муносабатлари акс этган. Татар маърифатпарварлари Туркистонга рус адабиёти, технологиялари, театрнинг кириб келишида, газета ва журналларни чоп этишда ташаббус кўрсатганларлари ва ўз фаолиятларини ўзбек маърифатпарварлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширганларни келтириб ўтилган.

Annotation

В статье отражены взаимоотношения узбекских и татарских просветителей в Туркестане во второй половине XIX - первой четверти XX века. В ней отмечается, что татарские просветители инициировали издание русской литературы, внедрение технологий, создание театра, издания газет и журналов в Туркестане и вели свою деятельность в сотрудничестве с узбекскими просветителями.

Annotation

This article reflects the relations of Uzbek and Tatar enlighteners in Turkestan in the second half of the XIX century - the first quarter of the XX century. It is said that the Tatar enlighteners initiated the creation of Russian literature, technology, theater, newspapers and magazines in Turkestan and carried out their activities in cooperation with the Uzbek enlightenment.

Таянч сўз ва иборалар:Туркистон, татар, жадидчилик, Россия империяси, маърифатпарварлар, янги усул мактаби, европача театр, матбуот.

Ключевые слова и выражения:Туркестан, татарин, джадидизм, Российская империя, просветители, новометодная школа, европейский театр, пресса.

Keywords and expressions:Turkestan, tatar, jadidism, Russian empire, enlighteners, new methodist school, European theater, press.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тарихга нохолисона ёндашув, тарихий далиллар ва талқинларга ҳукмрон мафкура нуқтаи назаридан баҳо беришга барҳам берилди. Янгича қараш ва холисона ёндашмоқ учун тарихни билмоқ, керак бўлса, сабоқ олмоқ керак. Шу ўринда Туркистон жадидларининг отаси саналган Махмудхўжа Беҳбудийнинг “Тарих ва Жуғрофия” асарида қайд этилган фикрини келтириш жоиздир: “Дунёга ишонмоқ учун, комил ва билмоқ керак. Подшою вазир, ҳукumat одамлари ва сиёсий кишилар учун тарихни ўқумоқ керак. Паст қолган ва ё тараққий қилган ҳалқларни... ҳукumatларни билмоқ учун тарих ўқумоқ керак... Мусулмонлик қандай кўпайди ва тараққий этди ва алоҳон на учун мусулмонлар таназзул этдилар? Буни билмоқ учун тарих ўқумоқ керак” [1,17].

Юқорида келтирилган фикрлар том маънода турк-мусулмон ҳалқлари тарихини, айниқса, унинг маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан, миллий уйғониш даври, деб эътироф этилган XIX аср охири – XX аср бошларини ўрганишда мухим аҳамиятга молик ҳисобланади. У ёки бу миллатни тарихда тутган ўрни, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси ... ўша миллатнинг етакчиларига, географик жойлашган ҳудудига, қўни-қўшниси ёки бошқа миллатлар билан ўзаро муносабатлари, ўз фазилати ёки камчилигини “намоён” қилишга турткি берган ички ва ташқи омилларга, тарихий даврга боғлиқлик томонлари бор. Шундай нуқтаи назардан қараганда, Туркистон ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида нафақат ерли аҳоли, балки татарлар ҳам мухим роль ўйнаган [2,196-197].

ТАРИХ

Дастлаб Үрта Осиё хонликларига татарлар савдо-сотиқ ишлари билан кириб келган бўлсалар, кейинчалик XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, улардан Россия империяси ҳарбий маъмурлари Туркистонни забт этишда тилмоч ва таржимон, зарур ҳолларда ҳарбий зобит сифатида ҳам фойдаланганлар.

Татарлар Туркистонда, аввал, империя манфаатларига бўйсунган ҳолда фаолият юритганлар, кейинчалик эса XIX аср охири - XX аср бошларидан ўлканинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жараёнларида ҳам фаол иштирок эта бошладилар. Тил ва руҳиятга кўра татарлар Туркистоннинг туркийзабон ҳалқларига яқинлиги, диний ва миллий қарашига кўра муштараклиги билан муҳим аҳамият касб этган.

Туркистонда маҳаллий вақтли матбуот ва матбаа ишларининг вужудга келишига ҳам татар маърифатпарварлари жуда катта ҳисса қўшганлар. Агар ўлкада вақтли матбуотни чоп этиш тарихига назар солинса, бу, 1869 йилга бориб тақалиб, Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман Россия ҳарбий вазири Д.А.Малютинга Тошкентда генерал-губернаторлик органи сифатида “Туркестанские ведомости” газетасини чоп этишга руҳсат сўраб мурожаат қилганлигини кўришимиз мумкин. Шу мақсадни амалга ошириш учун Санкт-Петербургдан маҳсус полиграфия анжомлари, матбаачи-мутахассисларни жалб қилишга, газета нашри учун босмахона ташкил этишга киришилади. Орадан кўп ўтмай, ўлкада ерли аҳоли тилида ҳам вақтли матбуоти зарурлиги аён бўлиб қолади [3,18].

Таъкидлаш жоизки, Туркистонда вақтли матбуот ва матбаа ишларининг шаклланиши бевосита Россия империяси истилосидан кейин юз берди. Турк-мусулмон ҳалқлари тили, маданияти, тарихини ўрганиш 1896-1897 йилларда “Среднеазиатский вестник” журналида бир қатор мақолаларнинг чоп этилишига олиб келган. Ўз навбатида, чоп этилган мақолалар нафақат рус ва русий забонлар, балки турк-мусулмон ҳалқлари, хусусан, татар, бошқирд, озарбайжон, турк, ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқа миллатлар тўғрисида маълумотларнинг кўпайишига ҳам олиб келган [3,18].

1870 йилдан бошлаб Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман буйруғига асосан «Туркестанские ведомости» газетасига илова тариқасида

«Туркистон вилоятининг газети» ҳам чоп этила бошланди. Мазкур газетани нашр этиш учун К.П.фон Кауфман Петербургдан мусулмон (араб) шрифти келтиришни илтимос қилди. Орадан 6-7 ой ўтгач, Тошкентга түяларда мусулмон шрифтлари билан татар мутахассис ҳарф терувчилари ҳам келганлар ва биринчи ўзбек тилидаги газетанинг нашр этилишига бош қўшганлар. Шу ўринда биринчи ўзбек матбуотчилари қаторига Сирохиддин Хўжаев, Ҳамид Хўжаев ва Абдураҳмон Хўжаевларни ҳам киритиш мумкин [4,35-36].

«Туркистон вилоятининг газети»ни ташкил этиш ва ривожлантиришда Туркистон генерал-губернатори таржимони Ш.Иброҳимов ва генерал-губернаторлик девонхонаси таржимони М.Чанишевлар жонбозлик кўрсатдилар.

1883 йил 30 январда Туркистон генерал-губернатори Черняевнинг 29-сонли буйруғига кўра, бу “илова”лар “Туркистон вилоятининг газети”га айлантирилди [5,83]. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “Туркистон вилоятининг газети” ўзбек тилида чоп этилган материаллари чор Россияси манфаатларига хизмат қилган бўлса-да, айни пайтда мақола ва хабарлар ранг-баранглиги: ўзбек санъати ва тараққиёти, археология, этнография, нумизматикага оидлиги билан муҳим аҳамият касб этган. Бунда, албатта, 1870 йилдан чоп этила бошлаган “Туркистон вилоятининг газети” муҳаррири, татар миллатига мансуб бўлган Шоҳимардон Иброҳимовни ва кейинчалик яна татар миллатига мансуб, газета муҳаррири Муҳаммадхасан Чанишевларнинг ҳиссаси катта. Чунки улар ўзбек тилини яхши билганлиги ҳамда ўзбеклар тарихи, адабиёти, урф-одатлари, маданиятидан яхши боҳабар бўлганликлари маҳаллий ҳалқ дини, руҳиятини яхши англаганликлари, газета материаллари ранг-баранглигига муҳим аҳамият касб этган [6,71]. Газета саҳифаларида нафақат Туркистон ҳаётига оид, балки Европа фан-техника ютуқлари, адабиёти ва санъати, шунингдек, юонон олимлари ҳамда файласуфларининг таржимаи ҳоллари, ижодий фаолиятлари, уларнинг ҳаёти билан боғлиқ қизиқарли, таҳсинга сазовор одамлар ҳақида ҳам маълумотлар бериб борилган. Газетада нафақат маҳаллий маъмурият кўрсатмалари, балки ўлка тарихи, маданияти, этнографияси, географияси

тўғрисидаги маълумотларни ёритишида, Фурқат, Сатторхон Абдуғаффоров, Исҳоқхон Ибрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мулла Олим Абдулқосимов, Ибн Яминбек Худоёрхонов ва бошқалар иштироки муҳим аҳамият касб этган [7,80].

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, чор Россияси ва ҳатто совет ҳокимиютигининг дастлабки йилларида Туркистон, Бухоро, Хивадаги даврий матбуот, босмахона ташкилотчиларининг аксарияти татар маърифатпарварлари эди. Татарлар ўлка маданий ҳётида, хусусан, матбуот нашрлари, босмахоналарни ташкил этишда муҳим роль ўйнаганлар. Агар бу борада тарихий далилларга мурожаат қиладиган бўлсақ, 1905-1906 йилларда Қозон бадиий мактабида ўқиган Исмоил Обидовнинг фаолиятига тўхталиш мумкин. У 1906 йили Тошкентда “Тараққий” газетасини ташкил қилган. Мазкур газета 1906 йил 27 июндан 1906 йил 20 августга қадар фаолият юритган. Газета тўғрисида: “Тараққий” – тараққийпарвар бир газета бўлиб, муҳаррири ички Россия тоторларидан Исмоил Обидий Йўлдош эди”, - дейилади [8,9]. Абдулла Авлоний “Тараққий” газетасига нисбатан: “...газета тез фурсатда шундай шуҳрат қозондики, ҳатто газета муҳаррири бўлғон Исмоил Обидийга Тараққий исми берилди. Ҳозиргача ҳалқ Исмоил Обидийнинг исмини Тараққий деб юритадур... Бу газета ўша замон газеталари ичida энг сўли бўлиб, ҳукумат ва унинг маъмурлариға қарши хужум очди... Истибодд ҳукуматининг фавқулодда сақлаш (Чрезвычайный орган) қўли билан бу газета ўлдирилди. Ҳалқ озиқсиз қолиб, узоқ вақт жимжитлик ҳукм сурди”, - дейди [8,9].

«Тараққий» газетаси ўзининг дастлабки сонидан бошлаб Россияда содир бўлаётган йирик воқеаларга асосий мавзу сифатида қараб, уларни кенг меҳнаткаш ҳалқ нуқтаи назаридан ёритишига ҳаракат қилди. «Тараққий» сахифаларида подшо маъмуриятининг Туркистонда юритаётган мустамлакачилик ва зўравонлик сиёсати, ижтимоий ҳақсизликларни очиб ташлашга қаратилган мақолалар эълон қилинган. “Тараққий” газетаси ўз сахифаларида аҳолининг турмуш тарзи, янги усул мактаблари, диний удумлар топталаётгани тўғрисида жасорат билан ёритар, бу эса чоризмнинг нафрати-норозилигига сабаб

бўларди. Шу сабабдан бўлса керак, газетанинг атиги 20 та сони чиқиб, шу қисқа муддат оралиғида ҳукуматга қарши материаллар босгани учун 4 марта жавобгарликка тортилган [9,174].

«Тараққий» газетаси атиги 72 кун умр кўрган бўлса-да, Туркистонда миллий матбуотининг юзага келишида муҳим аҳамият касб этди. XX аср бошларида чоп этилган газеталарда кўплаб татар маърафатпарварлари фаолият юритгани боис бўлса керак, матбуот саҳифаларидағи “тили ҳам бошқа ерли газеталар каби татарча, туркча, арабча сўзлари аралашмасидан иборат бўлиб, бу сўзлар ўзбек тилига мослаштирилган шаклда кўлланилган” [10,346].

«Тараққий» газетаси ёпиб қўйилганидан сўнг орадан икки йил ўтиб, 1908 йил апрелдан яна бир татар маърифатпарвари А.Бектемиров муҳаррирлигига «Осиё» газетаси нашр этила бошланди. Таниқли ўзбек маърифатпарвари А.Авлоний ҳам мазкур газета ташкил этилишида жонбозлик кўрсатган. Газетанинг бешта сони чиққанидан сўнг подшо маъмурлари томонидан ёпилди [10,346]. Газета саҳифаларида А.Ибрагимовнинг турчилик ва исломчилик масалаларига бағишинланган бошқа жадид зиёлиларининг Туркистонда маориф тизимини ислоҳ этиш бўйича мақолалари босилган эди.

И.Обидов ва А.Бектемиров газеталари ҳукуматга қарши руҳда, деган айблов асосида ёпилган бўлишига қарамай, туркистонлик татарлар маҳаллий газеталар билан ҳамкорликни давом этиравергандар. Абдурауф Музаффар, Нўширавон Яушев, Абдулла Беги, Маҳмуд Будайли ва бошқалар Туркистондаги бошқа миллий газеталарда ўз мақолалари билан фаол иштирок этганлар. Татар таржимони Нурмуҳаммад Гарифиулович Усмонов «Садои Фарғона» газетаси таҳририятида фаолият кўрсатди. Машҳур татар сиёсат арбоби И.Шоаҳмедов (Шагиаҳмедов) «Туркестанский край» газетасининг муҳаррири сифатида фаолият кўрсатган [11,22]. Бундан кўринадики, татар ва ўзбек маърифатпарварлари нафақат маориф соҳасида, балки матбуотчиликда ҳам узвий ҳамкорлик ишларини олиб боришган. Маърифатпарварларнинг ҳамкорликлари ҳукумат вакиллари

ТАРИХ

томонидан доим ҳам яхши қабул қилинмаган.

Келтирилган тарихий маълумотлар таҳлили шундан далолат берадики, татар маърифатпарварлари томонидан Туркистонда йўлга қўйилган вақтли матбуот саҳифаларида ўлкадаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, маданий-маърифий ҳаёт ёритиб берилиган. Таъкидлаш жоизки, ўлкада миллий матбуотни йўлга қўйишда туркмусулмон халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар муҳим аҳамият касб этгани аниқ. Бу борада турк-мусулмон оламидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, хусусан, миллий зиёлилар, тараққийпарварларнинг саъй-ҳаракатлари, Россия ички мусулмонларининг маънавий отаси деб эътироф этилган Исмоил Гаспиралининг жадидчилик ғояларининг Туркистонга ёйилиши катта аҳамият касб этди. Жадидчилик ғоялари маълум бир қаршиликларга, чекловларга қарамай, Россия империясининг турк-мусулмон халқлари ғуж бўлиб истиқомат қиласидиган минтақаларга дастлаб матбуот ёйила бошлаган. Жумладан, “Таржимон” (Боқчасарой), “Вақт” (Оренбург), “Юлдуз” (Қозон), “Мулла Насриддин” (Тифлис), “Сиротил мустақим” (Туркия), “Сирож ул-ахбор” (Афғонистон), “Ҳабул ватан” (Ҳиндистон) каби матбуот органлари бу фикрга асос бўла олади [11,22].

Туркий халқлар бирлигига йўналтирилган газеталардан бири “Кенгаш” бўлиб, бу 1917 йил 25 июндан нашр этила бошлаган. Мазкур газета Туркистон мусулмон Марказий шўросининг нашри ҳисобланиб, унга аввалига Аҳмад Заки Валиди Тўғон (1890-1970) мухаррирлик (8-сонига қадар) қиласа бўлса, кейинчалик газетага Мунавварқори Абдурашидхонов мухаррирлик қиласа. Ушбу газета кўпроқ эътиборни Таъсис мажлисига қаратиш, жойларда тузилган ва тузилаётган миллий жамият ҳамда тўгаракларни бир марказ атрофида бирлашиборишга қаратди ҳамда Туркистон мусулмонларини бир мақсад сари ҳаракат қилишга чорлади. Газета “Бирликда қувват кўпdir” шиорига амал қилди. Бу газетада ҳам бошқа газеталарда тарғиб қилинганидек, турк-мусулмон халқларини бирдамлиқда озодлик учун курашишга чорлаган.

Татар ва ўзбек маърифатпарварларининг ўзаро ҳамкорлиги

натижасида 1917 йил июль ойидан “Чаён” журнали чоп этилиб, у “Ғуломия” матбаасида тошбосмада босилган. Журналнинг 12 та сони 1917 иили чоп этилган бўлса, 1918 йилда журналнинг 18 та сони чиқиб, у Туркистон халқ комиссарлигининг миллий ишлар секцияси томонидан тўхтатилган. Журналга Халиф Тўлаков ва Иброҳим Тоҳирийлар мухаррирлик қиласа.

Туркистонда чоп этилаётган газета-журналларда татарлар нафақат мухаррир, ташкилотчи, ҳарф терувчи сифатида, балки матбуот саҳифаларини даврнинг долзарб мақолалари билан тўлдирувчи-журналист, публицист бўлиб ҳам хизмат қилдилар. Масалан, ўз пайтида татарларнинг китобматбаа тарихи бўйича йирик тадқиқотчиси А.Каримуллин татар Шоҳимардон Бекқуловни “биринчи ўзбек ҳарф терувчиси деб эътироф этган” ва унинг Ўрта Осиёда китоб нашр этиш соҳасидаги хизматини И.Гуттенбергнинг жаҳонда китоб чоп қилишда тутган ўрнига тенглаштирилган.

Татар зиёлилари матбаа ишларидан ташқари Туркистонда янги руҳдаги китоблар, газеталар савдоси ва кутубхоналар ташкил этиш билан ҳам шуғулланганлар. Масалан, 1909 йил 18 августда Исҳоқ Шарипов Фарғона вилояти ҳарбий губернатори номига илтимоснома ёзиб, Қўқон шаҳрида «Кашшофия» номли китоб дўкони очишга руҳсат сўраган. Илтимосномада ёзилишича, китоб дўконида китоблардан ташқари газеталар сотилиши ҳам кўзда тутилган эди. И.Шарипов ўз илтимосномасида Қўқон шаҳрида 1895 йилдан бери яшаётганлиги, 5 йил ҳарбий хизматни ҳам ўтаб келганлигини қайд этган эди. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ўз навбатида Қўқон уезди бошлиғидан И.Шарипов шахси ҳақида маълумот сўраган. Қўқон уезди бошлиғи И.Шариповни «ўта панисломист» эканлиги, китоб дўкони очишдан мақсад эса диний ақидапарстлик руҳидаги китоблар савдосини йўлга қўйиши мумкинлигидан чўчиётганлигини билдирган [13,14].

Татаристондан Туркистонга матбуотчи кадрлар, керакли асбоб-ускуналарнинг юборилишидан ташқари Қозон нашриётларида ўзбек, қозоқ, қирғиз тилларида ҳам дарсликлар чоп этилган. Айрим дарсликлар ҳатто татар тилида ҳам Туркистонга юборилган, чунки татар тилидаги китобларни ўқиш, тушуниш

ўлкадаги туркий халқлар учун қийинчилик туғдирмас эди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, татар матбуоти ва Туркистонда яшовчи татар маърифатпарварлари Россия империяси ҳамда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ўлкада миллий матбуот ва матбаа ишларини ташкил этиш ва ривожлантиришда катта хизмат қилдилар. Татар маърифатпарварлари асосан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш

учун келиб, маълум бир қисми шу ерда қолиб кетган. Таъкидлаш жоизки, татар маърифатпарварлари ва туркестонлик маърифатпарварлар бирлашган ҳолда матбуот орқали барча мусулмонларни озодликка чорлаганлар. Татарларнинг Туркистонга кириб келишлари орқали ўлкада маданият ва маърифат бирмунча юксакликка эришганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Алимова Д. Ҳақиқатнинг туташ манзили // Тафаккур, 2000. № 2,
2. Иоффе В.Г. Из истории многонациональных общественных организаций Туркестана и Узбекистана / Узбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағриенглик, тарихий тажриба ва ҳозирги замон (Халқаро илмий-амалий анжумани, 17-18 сентябрь 2010 йил) – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010.
3. Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Туркестана (1870-1925 гг.). – Т.: Ўқитувчи, 1976. – С. 18.
4. Каримуллин А. Татарская книга пореформенной России. Казань: Татарское книжное издательство, 1983.- С.229; Туркестон матбуоти тарихи (1870-1917). –Т.: Академия, 2000.
5. Шодмонова С. “Туркестон вилоятининг газети” и её авторы / IV Востоковедческие чтения памяти Н.П.Остроумова. –Т., 2014.
6. Туркестон матбуоти тарихи (1870-1917) –Т.: Академия, 2000.
7. Расулов А., Исоқбоев А. Зиё тарқатиш йўлида / Узбекистон тарихининг долзарб масалалари. – Наманган, 2002.
8. Авлоний А. Танланган асарлар.1-жилд. –Т.: Манавият, 1998.
9. Турдиев Ш. Среднеазиатские татары: роль и значение в культурной и политической жизни Туркестана первой четверти XX в. / Ислам в татарском мире: история и современность. – Казань, 1997.
10. ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 346-варақ.
11. Мингнаров А. Туркестондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий матбуотда ёритилиши (1917-1918 йиллар). –Т.: Истиқлол нури, 2013.
12. Мирзарахимов Аббос. Тошбосма тарихи: чалкашлиқми ёки хато? // Тафаккур, 2007. №2,
13. Қодирий Ҳ. Отам ҳақида (Хотиралар). –Т.: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).